

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 179 (11.490)

Баҳоси эркин нарҳда



ОБОД ЮРТГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ



Бутун мамлакатимизда, жумладан поймахтимизда ҳам Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ҳамда азим шаҳримиз Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланган шодиёналар шукуҳи давом этмоқда.

Аждодларимиз номи ва ёдини тиклаш, ўз миллатимиз илдизларини таниш, ундан қувват олиб, қалбимизда Ватан ва миллат дарди билан яшаш ва шу орқали келажакни яратишга, буюклар олдида буюк бўлиб қаддимизни ростлаб туришга ўргатган Мустақиллигимиз 18 ёшга тўлди. Шу кундан бош-

лаб Истиқлол йўлини танлаган мамлакатимиз учун яна бир янги вақт ҳисоби бошландики, албатта у ҳам ўтган Мустақиллик йиллари каби янги буюк ишлар, катта-катта муваффақиятларга бой бўлади.

Балоғат ёшига етган инсон илк марта ҳаёт ҳақиқатларини англаб, ҳис эта бошлайди, де-

мак, шу ёшдан унинг ҳаётида донишмандлик сари янги давр бошланади, дейиш мумкин. Дарҳақиқат, 18 ёш инсон ҳаётида алоҳида сана. Бу ёшда ўғил-қизларимиз ўзларининг имкониятлари ҳақида жиддий фикр юритиб, олдида кўйган мақсадлари — қайси касбни эгаллаш, оила, жамият, Ватаннинг муносиб фарзанди бўлиш учун нималарга қодир эканлиги ҳусусида мулоҳаза юритади. Бу ёшда ҳар бир балоғатга етган авлод вакили мустақил ҳаётга қадам қўяди.

Мустақиллигимиз ҳам 18 ёшни қаршилади. Рамзий маънода айтганда, бугун Мустақил-

лигимиз ҳам балоғат ёшида. Ўтган йиллар ичида эришган улкан ютуқларимиз боис бу вақт яратувчанлик даври дея эътироф этилмоқда. Бу ҳақиқат нафақат рақамларда, балки кўз ўнгимизда ёрқин ифода этиб турган ўзгаришларда намоён бўлаётди. Ўз кучимиз, ўз эркимиз билан етишган фаровон ҳаётимиз бизни янада янги-янги марраларни забт этишга, замон билан ҳамнафас ва тенгма-тенг, ҳеч кимдан кам бўлмасдан яшашга ундаётди.

Мамлакатимиз раҳбари Истиқлолнинг 18 йиллик тўйига бағишланган тантанали маросимда барчани борлигимиз,

шону-шухратимиз, эркин ва фаровон келажакимиз гарови — Мустақиллик байрами билан табриқлар экан, бу кўтлуг сана давлатимиз тарихида энг улғу ва энг азиз байрам сифатида нишонланиши, «Мустақиллик деган улғу ва бебаҳо нъмат ҳеч қачон осонлик билан қўлга киритилмаганлигини, бу азалий ҳақиқатни биз ўз тарихимизда англадик, бошимиздан ўтказдик, халқимизнинг фидокорона меҳнати билан жаҳон аҳли эътироф этаётган ютуқ ва марраларга эришяётганимиз барчамизга гурур ва мамнуният етказди», дея таъкидлаб ўтди. (Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи муносабати билан мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов номига хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий кўтловлар келиши давом этмоқда.

● Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Қорақўлчилик, чўл экологияси институтида республика Қорақўлчилик хўжалиқларидан келтирилган зотдор қўчқорларнинг кўргазмаси ва кимошди савдоси, «Чўл-яйлов чорвачилигида экологик асосланган технологиялар» мавзусида Республика илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

● Истиқлол шодиёналари арафасида Бойсун тумани тиббиёт бирлашмаси жамоаси Япониядан келтирилган 85 минг 375 долларлик замонавий тиббий асбоб-ускуналарга эга бўлди. Ушбу янги асбоб-ускуналар оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилади.

● Чортоқ туманида Мустақиллик байрами арафасида «SHARTAK DAENAN TEXTILE» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси ишга тушди. Корхонага ҳамкор давлатдан 30 та ип-ийгирув дастгоҳи келтириб ўрнатилди ва 210 нафар киши доимий иш билан таъминланди.

● Сарийосё туманида Термиз Давлат университети қошидаги 4-сон академик лицей биноси фойдаланишга топширилди. Уч қаватли мазкур илм масканининг қурилишига 3 миллиард 101 миллион сўм маблағ сарфланди. Бунёдкорлик ишларини тумандаги «Махсусқурилиш таъмирлаш» корхонаси қурувчилари қисқа муддатларда амалга оширишди.

ЖАҲОНДА

● Бир неча кундирки, АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳри шимолидаги Маунт Вильсон тоғида ёнгин давом этмоқда. Daily News хабарига кўра ўтган кун икки ўт ўчирувчи ҳалок бўлган. Агар ёнгин вақтида ўчирилмаса, шаҳар алоқа тизими-га жиддий зарар етказиши таъкидланмоқда.

● Украина йилма-йил Россиядан сотиб оладиган газ миқдорини камайтириш ниятида. Мамлакат Бош вазири Юлия Тимошенконинг айтишича, Украина 2007 йилда Россиядан 52 миллиард кубометр газ сотиб олган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткич 33 миллиард кубометрни, келаси йил эса 27 миллиард кубометрни ташкил этади.

● Японияда ўтган умумхалқ сайловида Демократик партия галаба қозонди. Ҳозирги пайтда ҳукумат раҳбарлиги ва аъзолигига партиядан номзодлар кўрсатиш учун музокаралар бошланди. 30 август кун бўлиб ўтган сайловда Демократик партия вакиллари парламент куйи палатасидаги 480 ўриннинг 308 тасини эгаллашга муваффақ бўлишди.

● Хитойда жорий йилнинг учинчи чорагида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 8 фоизга ўсиши мумкин. Бу ҳақда The Guardian газетасининг иқтисодий масалалар бўйича эксперти Чжан Хун маълумот берди. Унинг таъкидлашича, Хитой иқтисодининг ўсиши жаҳон иқтисодий инқирозига сезиларли зарба беради.

● Женевада Бутунжаҳон черковлари кенгаши бош қотиблигига сайлов бўлиб ўтди. Ёпиқ овоз бериш йўли билан ўтган сайловларда норвегиялик пастор Олаф Фюксе Твейт галаба қозонди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

2009 йилнинг 29 август кун тахминан соат 18.30 да биринчи шаҳар касалхонасининг атрофида «Кўкча» масжиди қўлида Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Маннон Уйғур кўчаси, 5-уй, 3-хонадон манзилида, Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан муқаддам Тошкент шаҳрида республика фуқароларига қарши бир қатор қотиллик жиноятларини содир этган террорчиларнинг гуруҳини йўқ қилишга қаратилган махсус операция ўтказилган.

Ушбу ҳолат ҳақида маълумот тезкор-тергов тадбирлари ўтказилганлиги сабабли берилмаган.

Ўтказилган тадбирлар натижасида юқорида қайд этилган жиноятларга дахлдор бўлган, хорижий террористик марказларда ҳарбий тайёргарлик ўтаган уюшган жиноий гуруҳ аниқланган.

Махсус операция натижасида учта террорчи, шу жумладан қидирувда бўлган, жиноий гуруҳ раҳнамоси Маҳмудов Шавкат Дилшодович йўқ қилинган.

Ҳозирги кунда мазкур ҳодиса юзасидан Ўзбекистон Бош прокуратураси томонидан жиноят иши кўзга тилиб, тергов қилинмоқда ва зарурий тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, шу террористик гуруҳнинг бошқа фаол аъзолари ушланган ва икрий қўрсатмалар беришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг матбуот хизмати ушбу жиноий гуруҳ аъзолари устидан олиб борилган тергов ҳаракатлари натижаси бўйича қўшимча маълум қилади.

Ёшлар — келажакимиз

БИРИНЧИ ҚЎНФИРОҚ ЖАРАНГИ

БУГУН ёшларимиз орзиқиб кутган шодиёна кун, янги ўқув йили бошланди. Мамлакатимиз бўйлаб ва поймахтимиздаги барча олий ўқув юртлири, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, шунингдек мактабларда яна қўнфиноқ садолари янграб, ўғил-қизларимизни ўз бағрига чорлади.

Чехраларидан шодонлик барқ уриб турган ўғил-қизлар кадрдон мактаблари, меҳрибон устозлари томон ошиқшиди. Айниқса, биринчи синфга қадам қўётган жажжи кичкинтойларнинг қувончи чексизлигини айтмайсизми.

Янги ўқув йили Истиқлолимизнинг 18 йиллиги ҳамда азим ва навқирон Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи шодиёналарига улашиб кетганлиги би-

лан яна ҳам қувончи бўлмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»га мувофиқ мамлакатимизда, айниқса поймахтимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар натижасида янгидан-янги замо-

навий таълим масканларининг қад ростилаётганлиги, эскиларининг замон талаблари даражасида қайта таъмирланиб, ўзгача қиёфа касб этаётганлиги диққатга сазовор бўлмоқда. Жумладан жорий йилда Юнусобод туманидаги 271 ва 272-мактаб бинолари қайта таъмирдан чиқарилиб, замонавий қиёфага эга бўлди.

(Давоми 2-бетда).

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Асборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЮРТИМИЗ** Истиқлолнинг 18 йиллиги ҳамда азим поймахтимизнинг 2200 йиллигига тўхфа сифатида бунёдкорлар томонидан бунёд этилган Тошкент гидрометеорология касб-хунар коллежи **БУГУН** ўзининг биринчи ўқувчиларини қабул қилди.

✓ **ҲАМЗА** туманидаги «Тенгдош» маданият уйида бадий хаваскорлик жамоалари, тўғараклар, курслар раҳбарлари, қатнашчилари иштирокида азим поймахтимизнинг 2200 йиллигига бағишлаб «Юртим ифтихори — фахримсан Тошкент» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

✓ **ШАҲРИМИЗДА** маҳалларда фаолият юритаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ўртасида ташкиллаштирил-

ган «Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи» кўриктанловининг республика босқичи қолиблари тақдирланди.



ОБОД ЮРТГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ



БИРИНЧИ ҚЎНФИРОҚ ЖАРАНГИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугун эрта тонгдан 272- мактаб ҳовлисида карнай-сурнай навалари янграб, ўқувчилар, ўқитувчилар, ота-оналар ва меҳмонлар билан гавжум бўлди. Тантанали йиғилишда Юнусобод туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими вакиллари ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этишди. Йиғилишни Юнусобод туман халқ таълими бўлими мудир Маъсуда Одилова кириш сўзи билан очар экан, аввало йиғилганларни қўшалок байрамларимиз, шунингдек мактаб жамоаси ва ўқувчиларни янги ўқув



йили ҳамда қайта бунёд этилган янги замонавий мактаб биноси билан самимий муборакбод этди. Келгусида ўқувчиларни бу кўркам ва шинам ўқув максабини асраб-авайлаб, пухта ва чуқур билим олишларини, юртимизга муносиб фарзанд бўлиб камолга етишларини тилади.

— Бугун мактабимиз ўқитувчи ва ўқувчилари учун ниҳоятда унутилмас кун, катта байрам, десам адашмайман, — дейди 272-мактаб директори Абдувахоб Нурмухамедов. — Негаки, эски, таъмирталаб ҳолдаги мактабимиз бу йил 159-қурилиш трестининг 70-қурилиш бошқармаси қурувчилари томонидан қайта қурилиб, фойдаланишга топширилди. Замонавий мактаб биносида эндиликда катта ва шинам мажлислар зали, жаҳон андозалари даражасидаги спорт зали, замонавий жиҳозларга эга химия, биология, физика ва лаборатория ҳамда компьютер хоналари мавжуд бўлиб, ўқувчиларнинг пухта билим эгаллашлари учун етарли шарт-шароит-



лар яратилган. Шунини айтиш жоизки, мактабимизда жами 750 та ўқувчи таълим олади. Бу йил биринчи синфга 78 нафар жажжи ўғил-қизларни қабул қилдик. Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаш керак, 2009 — 2010 йилларда мактабларда маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги ўқув йили деб номланди. Шу боис, мактабимизда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш ниятидамиз.

Байрамонга ўтган тадбирда мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган концерт дастури йиғилганларга хушайфият улашди. Йиғилиш сўнгига 159-қурилиш бошқармаси бошлиғи М.Аҳмаджонов ўқувчиларга мактабнинг рамзий қалитини тантанали суратда топширди. Шундан сўнг, мактабда биринчи қўнғироқ садолари янграб, гулдасталар тутган ўғил-қизлар юз-кўзларида севинч, ҳаяжон ила кадрдон синфлари томон йўл олдилар.

— Аини пайтда мактабимизнинг янги биносида ўқув йилини бошлаётганимиздан худаям хурсандимиз, қалбимиз фахр-ифтихорга тўла, — дейди мазкур мактабнинг 9-синф ўқувчиси Зи-лола Суннатова. — Шундай замонавий мактаб биносида ўқиш биз учун катта бахт ва катта шараф. Биз ёшларга яратилган чексиз имкониятларга яраша, пухта билим олишга, истозларимиз берган панд-насихатларга амал қилиб, келажақда Ватанимизга муносиб фарзанд бўлишга ҳаракат қиламиз.

Мактабда ўқувчиларнинг шўх-шодон куллари қўнғироқ садоларига ҳамоҳанг бўлди. Янги ўқув йили барча синфларда Мустақиллик дарси билан бошланди.

**Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА:** Юнусобод туманидаги 272-мактабда бўлиб ўтган биринчи қўнғироқ тадбиридан лавҳалар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мустақиллик руҳи, янги замон руҳини биз ҳар жойда, ҳар бир жабҳада ҳис этаётимиз. Байрам кунларида бундай ҳис-туйғулар янада жўш урмоқда. Одамлар шоду хуррамлиги, болажонлар кулгуси, шаҳару қишлоқларимизнинг бетакрор кўрки унинг аққол намоёнидир. 1-2 сентябрь кунлари бутун республикамизда каби пойтахтимизда ҳам Ватанимизнинг қутлуғ тўйига ҳамда жонажон шаҳримиз Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланган халқ сайиллари бўлиб ўтди. Эрта тонгдан минглаб шаҳримиз аҳли ва меҳмонлари мамлакатимиз Бош майдони узра йўл олиб, ёш давлатимиз қудрати ва салоҳияти улугворлиги рамзи, яратувчан халқимизнинг эзгу мақсадларини ўзида мужассам этган Мустақиллик ва инсонпарварлик мажмуаси атрофини гулларга буркашди.

— Тошкентга Мустақиллигимизга бағишланган асосий тантаналардан Сурхон воҳаси вакили сифатида иштирок этиш учун келдим, — дейди 83 ёшли Бекқул Ҳамзаев. — Таассуротларим кўп... Бу ерга ҳар йили невараларимдан хабар олиш учун икки-уч марта келаман. Ҳар сафар пойтахт янада гўзаллашиб бораётганини кузатиш имкониятига эгаман. Айтиб ўтиш жоизки, Сурхондарё вилоятининг шаҳар ва туманларида ҳам замонавий бино ва иншоотлар кўкка бўй чўзмоқда. Сурхонликлар турмуш тарзи ҳам мутлақо ўзгарган — уйларимизда барча шарт-шароитлар бисёр. Аммо Тошкент — бу катта шаҳар, кейинги йилларда янада улугвор кўринишга эга бўлди. Мустақиллик майдони ҳар қимни ҳайратга солади. Шу ўринда Президентимизнинг «Тошкент билан ҳамма ҳайратлансин», дея бежиз айтмаганларини эсладим. Мустақиллик майдони — эркин, бахтли ҳаёт рамзи. Нафақат байрам кунлари, назаримда, ҳар кун бу ердан одамлар, айниқса меҳмонлар қадами узилмайди. Катта ўғлим 58 ёшда. Кенжам 18 да. Ҳа, Истиқлол тенгдоши. Бу йили Тошкент темир йўли муҳандислари институтига киришга ҳаракат қилди, аммо омади чопмади. Лекин, ишончим комилки, у албатта мақсадига етади. Фарзандларим, на-бираларимнинг эртанги кунидан хавотир олмайман, чунки биз ўсиб келаётган авлодга давлат даражасида алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмайдиган юртда яшаймиз...


Байрамларни янги марралар, янги ютуқларга эришиб, янги-янги биною иншоотлар қад ростлаб, фойдаланишга топшириш билан кутиб олиш аёнана бўлиб қолмоқда. Биргина пойтахтнинг ўзида қўшалок байрамлар олди юздан зиёд объектлар — кўплаб мактаблар, коллеж ва лицейлар, спорт мажмуалари, гузарлар, ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди. Шубҳасиз, «Ўзбекистон» халқаро форумлар саройи бу борада алоҳида эътиборга сазовордир. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали маросимда мамлакатимиз Президенти ушбу саройга шундай таъриф бериб ўтди: «Бугун бизни ўз бағрига олган мана шу бино, чиндан ҳам миллий меъморчилик санъатимизнинг ажойиб намунаси бўлиб, унинг гоёси ва лойиҳаси, муҳандислик ечимлари, ҳар қайси устун... — буларнинг барчаси ўз кучимиз, ўзимизнинг моҳир уста, қурувчи ва пайвандчиларимиз, етук мутахассисларимизнинг меҳнати билан бунёд этилгани ҳаммамизга гуруру ва ифтихор бағишлайди... Ҳеч шубҳасиз, миллий бинокорлик санъати ва маҳоратининг беназир намоиши бўлиши мана шу салобатли сарой азим ва гўзал Тошкентимиз каби дунё турғунча турсин, бугунги тантана сингари юртимизнинг энг қувончли ва шодиёна кунларига хизмат қилсин».

Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик буюк санасини нишонлар эканмиз, бу айём Ватанимиз Мустақиллигининг 18 йиллик байрами билан узвий боғланиб кетганини чуқур англаймиз. Зеро, Тошкентнинг тарихи ва бугунги ҳаётини Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунги ҳаётини, Ўзбекистоннинг келгуси тараққиётини Тошкентнинг истиқболдан ажратиб, айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

— Ҳар доим ҳам мана шундай шаҳримизни сайр қилиш имконияти бўлавермайди — иш, оила деганидек... Байрамлар эса бу борада маънавий ҳаётимизни янада бойитишга яхши фурсатдир, — дейди Татьяна Рыбина. — Тошкент шаҳрининг қоқ марказида туғилиб вояга етдим, кўп йиллар да-

вомида Тошкент қўнғироқ театрида фаолият юритдим. Бугун эса, ҳар доим-гидек, уни таний олмам — шундай гўзаллашиб, гўё катта бир гулшанга кириб қолгандек сезаётиман ўзимни. Кунни кеча шаҳримизнинг 22 асрлик тўйига бағишланган тантанани оилам билан томоша қилдим. Мана энди «Ўзбекистон» форумлар саройини ўз кўзим билан кўриб турибман. Улугвор, тақрорланмас гўзаллик намунаси дейиш мумкин. Мен ўз шаҳримни яхши кўраман. Тошкентни яхши кўрмаслик мумкин эмас, чунки унинг тисмолида

— Мустақиллик мамлакатимизда истиқомат қилиб келаётган 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари Ўзбекистон — умумий ва ягона уйи остида бирлаштирди, — дейди республика Байналмилал маданият маркази директори Насриддин Муҳаммадиев. — Ўзбек замининда ҳар бир инсоннинг миллат ва эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, маънавий эҳтиёжларни қондириш, урф-одатлари, тили, маданиятини тиклаш ва ривожлантириш каби қадриятлар айнан маданият марказлар фаолиятида ёрқин



ёшлигим ва бугунги куним, халқимизнинг тарихи ва бугунги бахтли ҳаёти аксини топган. Айниқса, бозорларимиз мени ҳайратга солади — бу ерда фаровон ҳаётимиз, дастурхонимиз баракаси ифода топган. Бежиз юртимизга узоқ-узоқлардан меҳмонлар таъриф буюрмайди! Ниятим ва тилагим — кўпчилигимизнинг, бутун халқимизнинг куч-иродаси асосида яратилган бу бойликларни, бу гўзаллиқни асраб-авайлаб, келажақда тортиқ қила олишимиз керак...

— Қўшалок байрамларинингизни бирга нишонлашга таклиф этилганимдан Ўзбекистонлик биродарларимизга миннатдорчилик билдириб қоламан, — дейди қозоқ бастакори Охун Зайнал. — Ўзбекистон гўзал, Тошкент эса озода, кўркам, ям-яшиллик билан мени мафтун этди. Фурсат келганда, ўзбекистонлик бастакорлар билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиб, бу борада халқларимиз аёнаналари уйғунлигини янада ифода топшишга ўз ҳиссамни қўшиш ниятидаман...

Байрам сайиллари бир-бирига уланиб, боғу роғларда, хиёбону саҳна кўринишидаги майдонларда узоқ давом этди. Бобур номидаги истироҳат боғида эса аёнанага кўра, мана 18 йилдирки, мамлакатимизнинг улуг байрамини, бу сафар шунингдек азим Тошкентимизнинг 2200 йиллигини нишонлаш учун миллий маданият марказлар жамланди.

намоён бўлаётганининг шоҳидимиз. Пойтахтликлар тилида ва дилида байналмилал номини олган бу сўлим гўшада кўплаб миллий маданият марказларнинг ҳаваскор бадийи жамоалари томонидан «Биз бир гулшаннинг лолаларимиз» шиори остида гала концерт уюштирилди. Байрам дастурларида, гувоҳи бўлганингиздек рус, украин, қозоқ, озарбойжон ва бошқа — турфа тилларда куй-қўшиқлар янгради. Мустақиллик умумхалқ байрами дея эътироф этилиши бежиз эмас. Бунинг замирида меҳр-мурувват, баррикенглик, ҳамжиҳатлик каби оддий, лекин чуқур маънони аңлатувчи, барчамизни бирлаштиришга қодир тушунчалар муҳассамдир.

Ҳақиқатан ҳам, биз учун рус ва украин, яҳудий ёки поляк ўзбекча сўзлашиши ҳам оддий ҳол. Байрам давомида бундай бағрикенглик кўп марта ўз ифодасини топди. Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги муносабати билан Ватанимизнинг юксак мукофотлариغا сазовор бўлган ўнлаб юртдошларимиз қаторида хонанда Зоя Цой хизмат кўрсатган артист унвонига лойиқ деб топилди. Миллий маданият марказларининг байрам дастурида корейс миллатига мансуб ушбу нозик овоз соҳибаси ўзбек тилида «Кўз қароқчим Ватан» қўшиғи билан кўпчиликни мафтун этди. Бу кун ҳар бир миллий маданият марказлар вакиллари-нинг чиқишлари томошабинларнинг

бетўтов олқишларига сазовор бўлди. Ватан, дўстлик, муҳаббатни тараннум этувчи катта концерт дастури барча миллий маданият марказларнинг хонандаю созандалари ижросидаги аёнана-вий «Ўзбекистон — умумий уйимиз» қўшиғи билан яқунланди. Аммо байрам тухфалари истироҳат боғи бўйлаб ташкил этилган ижодий кўргазмаларда давом этди. Меҳмонлар турли халқлар миллий таомларидан ҳам баҳраманд бўлдилар.

— Шу ўринда умумий қадриятларимизга айланган кўп миллатли халқимизнинг бу жилвакор рангли ижодларида, айниқса аёлларнинг ўрни устун келаётганининг гувоҳи бўлдик, — дейди Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Акбарова. — Бу эса яна бир бор жамиятимизда аёлларнинг ўрни фаоллашиб бораётганидан далолатдир. Хотин-қизлар ўз имкониятлари ва салоҳиятини намоён этиши учун давлат томонидан яратилган шарт-шароитлар кўлами бе-қис. Ижод ёки илм билан шуғулланишимиз, депутат ёки сенатор бўлишимиз учун ҳеч қандай тўсиқлар йўқ. Му-болагасиз, Мустақиллик биз, аёлларга тўлиқ эркинлик, озодлик ҳада этди.

— Бунинг тасдиғи сифатида менинг фаолиятим мисол бўла олади, — деди Бухоро яҳудийлари миллий маданият маркази раиси Тамара Оқилова. — Мамлакатимиз 18 йиллик тўйини ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳалардаги асрларга татигулик ютуқлар билан қаршилади. Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида яна бир қатор янги қонунлар қабул қилинди, Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги қарор эса қонунни чеклаб ўтган шахслар айбини кечирингдек энг инсонпарвар, энг олижаноб ҳужжатдир. Бу дегани мустақил юртимиз инсон, унинг манфаатларини таъминлашга қаратилган демократик, яъни ҳаётий тамоилларга асосланган ҳолда буюк давлат сари танлаган йўлда давом этаётир.

Олижаноблик, саховатпешалик, меҳр-мурувват халқимизга хос хислатдир. Байрамларни мана шундай руҳда ўтказиш, эҳтиёжмандаларга ёрдам кўрсатиш, ўқик кўнғилларга далда бўлиш яхши аёнанага айланиб қолган. Ташкилотчилар кўплаб хомийлар, саховатпеша ки-шилар қўшалок байрамлар шукўҳи ҳар бир хонадонда, ҳар бир инсон қалбида жо бўлишига эришдилар, дейишга ҳақимиз. Чунки, Файзулла Ҳужаев номидаги маҳалла қариялари ҳам шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан эъзозланиб, алоҳида эътиборга сазовор бўлишди. Маҳалла ҳудудида жойлашган Чехия элчихонаси вакиллари ҳам бу сай-ҳаракатларга ҳисса қўшган ҳолда концерт дастури ташкил этишди.

Шаҳримизнинг «Камолон» маҳалласида истиқомат қилувчи Султоновлар оиласи ҳаётида бу шукўҳли кунлар алоҳида муҳрланиб қолади. 105 ёшни қаршилаган оила боши Гайнижамол онахон давлатимиз раҳбари томонидан «Шўхрат» медали билан тақдирланди. Кунни кеча ушбу хонадонга Юртбошимиз номидан давлат мукофотини топшириш учун давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари таъриф буюришди.

— Шунча йил яшаб, юз ёшдан ўтган бўлсам-да, ҳануз давлат эътиборида эканлигимдан бениҳоя хурсандман, — дейди гурурланиб Гайнижамол она. — Асрга тенг ҳаётим давомида нима-ларини кўрмадим. Ота-боболаримиз ният қилган кунларнинг мен шоҳиди бўлиб турганимга шукроналар айтман. Инсон иродаси мустаҳкам экан... Саховатпешалик, меҳр-мурувват ҳеч қачон тарқ этмасин қутлуғ заминимиз. Давлатимиз раҳбарига тинчлик-хотиржамлик, мендек узоқ умр кўришларини тилаб қоламан.

Бунга жавобан давлатимиз раҳбарининг куйидаги фикрларини келтириш ўринлидир: «Мана шундай ёруғ кунларга етиб келишда ўзини аямасдан, фидокорона меҳнат қилган, Ўзбекистоннинг оғир юкини ўз елкасида кўтариб келаётган барча-барча юртдошларимизга, мўътабар кексаларимизга ўз номимдан, халқимиз номидан ташаккур билдиришни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан». Табаррук ёшдаги онахонимизнинг дуолари барчамизга ҳамроҳ бўлсин. Обод юртимизда байрамлар давом этаверсин. Мустақиллигимиз абадий яшасин!

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА
Ҳакимжон Солиҳов олган
суратлар**

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 7

«Ўзбекистон»

15.00 «Тахлилнома»
15.45, 21.55 «Қирол Сежонг» Т/с
16.35 «Бир кун»
17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот»
17.15 «Ҳаёт ва қону»
17.35 «Эртақлар — яхшиликка етаклар»
17.55 «Сизнинг адвокатингиз»
18.00 «Олтин мерос»
18.05 Т/с «Турмуш чорраҳаларида»
18.45 «Рамазон туҳфаси»
19.05 «Агар Сиз...»
19.25 ТВ - шифокор»
20.05 Т/с «Туташ тақдирлар»
20.45 «Ватаними куйлайман»
21.30 «Буюк аждодларимиз»
22.50 «Новий уммон қаърида»

«Ёшлар»

7.00, 15.00, 00.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 «Дил пайванди» Т/с
8.50 «Тошкент илҳомлари»
9.00 «Навоий хазиначиси»
9.05, 21.00 «Шерюррак» Т/с
9.50, 18.55 «Истиқлол саодати»
10.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр»
10.30, 13.10, 16.10 «Даврнинг боласи»
10.40 «Ҷама»
10.45 «Устога таъзим»
10.50 «Болалар илҳомлари»
11.00 «Афсона ва ҳақиқат»
11.50 «Шарк гавҳари»
12.10 «Ҳаёт завқи»
12.25 «Инсон психологияси»
12.55 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор»
13.00 «Қамолот хабарлари»
13.20 «Сувни асранг!»
13.30 Адабиёт дарси.
14.30 «Киптапай»
16.20 «Миллий мультфильм»
16.30 «Фанга бир назар»
16.45 «Қишлоқ ва таълим»
16.55 «Тошкент таронаси»
17.00 «Бобби» Б/ф
18.20 «Ўзбегим»
18.40 «Янги мавсум»
18.50 «UzEX»
19.30 «Тонгги шудринг» Т/с
20.20 «Қишлоқ тараккияти»
20.40 «Футбол-2009»
21.50 «Кунгил»
22.30 «Кунгиллик» Б/ф
23.40 Т/ф «Каминанинг оиласи»
24.00 «Юрт тинчлиги»

«Тошкент»

7.30, 13.00 «Салом, Тошкент!»
8.30 «Барток» М/ф
8.35 «Карвонсарой»
9.50 «Рим салтанати. Август»
12.35 «Саргузаштлар ороли»
14.00 «Дунё» теледастури.
15.00, 18.30, 20.00, 21.30 «Пойтахт»
15.25, 21.00 «Аёл қалби» Т/с
16.25 «Сўз сизга»
17.05 «Қуллол меҳри» Т/ф
17.30 «Хуқуқшунос маслаҳатчи»
17.35 «Кундуз амакининг хижоялари» М/ф
17.45 «Карвонсарой»
17.55 «Телекурьер-маркет»
18.15 «Тошкентнинг илм масканлари»
18.50 «Мухаббат қавҳаси» Т/с
19.40 Бизнес-«Пойтахт»
19.50 «Саломат бўлинг!»
20.25 «Анчик ёлгон» Т/с
21.20 «Уйларим»
22.15 «Кино SMS со звездами»
22.20 «Дьявол носил Пранда» Х/ф

«Спорт»

7.00 «Бодро утрос»
8.00 «Талкин»
8.35 «Малахов +»
9.30 «Версия»
10.05 «Дангасалар шахарчаси» М/с
10.30 «Баркамол авлод»
10.45, 21.55 Футбол.
12.20 «Проблинг»
18.00 «Тет-а-тет»
18.10 «Спорт салтанати»
18.30, 21.30 «Хабарлар»
18.55 «Футбол шарҳи»
20.15 Теннис.

Первый канал

4.00, 8.05 «Добро утрос»
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 22.35, 2.00 Новости.
8.30 Малахов +
9.30 Модный приговор.
10.25 Контрольная закупка.
11.15 «Агент национальной безопасности»

СЕШАНБА, 8

«Ўзбекистон»

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Икким»
7.05 «Изор»
7.10 «Тақдир»
7.55 «Олтин мерос»
8.00, 11.50, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот»
8.40 «Маънавият»
9.40 «Бизнинг клуббона»
9.55 «Чамлион сирлари»
10.15, 21.00 «Қирол Сежонг» Т/с
10.55 «Сизнинг адвокатингиз»
11.10, 19.25 «ТВ - шифокор»
11.15, 20.10 Т/с «Туташ тақдирлар»
13.00, 16.00 Т/с «Турмуш чорраҳаларида»
13.40 «Финли ва унинг дўстлари» М/с
14.20 «Ойдин ҳаёт»
15.05, 22.45 «Мовий уммон қаърида»
16.00 «Тезкор хабарлар»
16.10 «Дунё манзаралари»
16.30 «Сун»
16.40 «Ўзбекистон табияти»
17.15 «Худудлар ҳаёти»
17.35 «Эртақлар — яхшиликка етаклар»
17.55 «ТВ - бизнес хабарлари»
18.40 «Минг бир ривоят»
18.45 «Рамазон туҳфаси»
19.30 Вести-Москва.
19.50 Спокойной ночи, малыши!
20.00 «Саломат бўлинг!»

Россия

4.00 Добро утрос, Россия!
7.50, 2.50 «Иван Грозный с душой Дон Кихота. Николай Черкасов»
8.45 «Гонка за счастьем»
9.45, 13.20, 16.25, 19.30 Вести-Москва.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести.
10.30 «Дорожная сказка» М/ф.
10.45 «Отчаянные домохозяйки»
12.40, 16.50, 3.45 Вести. Дежурная часть.
13.40 Х/ф «Браг №1». 2009 г.
15.30 «Кулагин и партнеры»
17.00 «Однажды будет любовь»
18.00 «Кармелита. Цыганская страсть»
19.50 Спокойной ночи, малыши!
20.00 «Катерина. Возвращение любви»
21.50 «Дежурный по стране»
22.50 Вести +
23.10 Х/ф «Одна на миллион»
00.45 Х/ф «Ярость»

«Ёшлар»

7.00, 15.00, 00.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 «Дил пайванди» Т/с
8.50 «Тошкент илҳомлари»
9.00 «Навоий хазиначиси»
9.05, 21.00 «Шерюррак» Т/с
9.50, 12.50, 18.50 «UzEX»
9.55 «Истиқлол саодати»
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр»
10.10, 13.10, 16.10 «Даврнинг боласи»
10.20 «Средний класс»
10.30 «Китоб — ортоб»
10.40 «Футбол-2009»
11.00 «Афсона ва ҳақиқат»
11.50 «Тошкент — 2200»
12.00 «Yoshlar-FM»
12.20 «Қишлоқдаги тенгдошим»
12.25 «Дутор» Х/ф
12.55 «Устога таъзим»
13.20 «Мультипанорама»
13.30, 19.30 «Тонгги шудринг» Т/с
14.20 «Ватанпарвар»
16.20 «Миллий мультфильм»
16.30 «Фанга бир назар»
16.45 «Келажак эгалари»
16.55 «Тошкент таронаси»
17.00 «Бобби» Б/ф
18.20 «Ўзбегим»
18.40 «Янги мавсум»
20.20 «Кунгил куйи»
22.30 «Уйин» Б/ф
23.40 Т/ф «Каминанинг оиласи»
24.00 «Юрт тинчлиги»

«Тошкент»

7.30, 13.00 «Салом, Тошкент!»
8.30 «Барток» М/ф
8.35 «Карвонсарой»
9.50 «Рим салтанати. Август»
12.35 «Саргузаштлар ороли»
14.00 «Дунё» теледастури.
15.00, 18.30, 20.00, 21.30 «Пойтахт»
15.25, 21.00 «Аёл қалби» Т/с
16.25 «Сўз сизга»
17.05 «Қуллол меҳри» Т/ф
17.30 «Хуқуқшунос маслаҳатчи»
17.35 «Кундуз амакининг хижоялари» М/ф
17.45 «Карвонсарой»
17.55 «Телекурьер-маркет»
18.15 «Тошкентнинг илм масканлари»
18.50 «Мухаббат қавҳаси» Т/с
19.40 Бизнес-«Пойтахт»
19.50 «Саломат бўлинг!»
20.25 «Анчик ёлгон» Т/с
21.20 «Уйларим»
22.15 «Кино SMS со звездами»
22.20 «Дьявол носил Пранда» Х/ф

«Спорт»

7.00 «Бодро утрос»
8.00 «Талкин»
8.35 «Малахов +»
9.30 «Версия»
10.05 «Дангасалар шахарчаси» М/с
10.30 «Баркамол авлод»
10.45, 21.55 Футбол.
12.20 «Проблинг»
18.00 «Тет-а-тет»
18.10 «Спорт салтанати»
18.30, 21.30 «Хабарлар»
18.55 «Футбол шарҳи»
20.15 Теннис.

Первый канал

4.00, 8.05 «Добро утрос»
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 22.35, 2.00 Новости.
8.30 Малахов +
9.30 Модный приговор.
10.25 Контрольная закупка.
11.15 «Агент национальной безопасности»
12.20 «Дефективы»
13.25 Понять. Простить.
14.15 «Обручальное кольцо»
15.05 «Давай поженимся!»
17.15 «Пусть говорят»
18.05 Т/с «След»
18.55 «Жди меня»
20.00 «Время»
20.30 «Десантура»
21.35 «Я — Вольф Мессинг»
22.55 Комедия «Отбой»
00.35, 2.05 Триллер «Обет молчания»
2.15 Х/ф «Гангстерские войны»

ЧОРШАНБА, 9

«Ўзбекистон»

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Икким»
7.05 «Изор»
7.10 «Тақдир»
7.55 «Олтин мерос»
8.00, 11.50, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот»
8.40 «Маънавият»
9.40 «Бизнинг клуббона»
9.55 «Чамлион сирлари»
10.15, 21.00 «Қирол Сежонг» Т/с
10.55 «Сизнинг адвокатингиз»
11.10, 19.25 «ТВ - шифокор»
11.15, 20.10 Т/с «Туташ тақдирлар»
